



2021 йил "26" февраль № 87-03-1134

**Барча олий таълим муассасалари
ректорлари ва филиаллар
директорларига**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш "Улуғбек" жамғармаси ҳамкорликда профессор-ўқитувчилар, докторантлар ва иқтидорли талабалар ўртасида биринчи ва иккинчи Ренессанс даври ва ютуқлари, янги Ренессанс пойдеворини яратиш масалаларига боғлиқ илмий мақолалар танловини ўтказишни режалаштирган.

Энг яхши деб топилган мақолалар тўплам шаклида чоп этилади.

Шу муносабат билан Сиздан рўйхати 1-иловада келтирилган мавзулар бўйича талабгорлар томонидан тайёрланган мақолаларни 2-иловада келтирилган талаблар асосида расмийлаштирилиши ҳамда жорий йилнинг 15 март кунига қадар вазирликнинг Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бошқармаси (nauka@edu.uz, телеграм: 977463721)га тақдим этилишини таъминлашингиз сўралади.

Иловада: 3 бет.

Вазир ўринбосари



У.Бегимкулов

ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАР ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даври ва ютуқлари.
2. Учинчи Ренессанс ёшлар нигоҳида.
3. Ўзбекистонда Учинчи Ренессансга пойдевор яратилиш ҳолати.
4. Аждодлар меъроси бебаҳо хазина.
5. Миллий қадриятларимиз-ўзлигимиз тимсоллари.
6. Беш муҳим ташаббус – келажакка мустаҳкам пойдевор.
7. Янги Ўзбекистон – янги имкониятлар юрти.
8. Бетакрор ва ноёб илмий-маънавий меросимиз – куч-қудрат ва илҳом манбаи.
9. Мамлакатимизни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси: натижалар ва истиқбол.
10. Фан ва таълимда амалга оширилаётган ислохотлар: яратилган шароитлар, натижалар, муаммолар, ечимлар.
11. Мавзуга оид илмий-тадқиқот ишлари натижалари.

ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Мақолалар «Microsoft Word» матн муҳарририда ёзилиши, .doc ёки .docx форматида, **ўзбек, рус ва инглиз тилларида** қабул қилинади.

Мақола матни «Times New Roman» шрифтида (кегель 12), сатрлар оралиғи 1 пт, юқоридан, пастдан, ўнгдан ва чапдан 2 см ҳошия қолдирилади, янги сатрда хатбоши (абзац) 1 см, матн саҳифа кенглиги бўйича текисланган шаклда, ҳажми 6-10 бетдан ошмаслиги талаб этилади.

Формулалар «Microsoft Equation» тахрирловчиси ёрдамида ёзилиши, матнга график, диаграмма ва расмлар оқ-қора рангда, .jpeg форматида киритилиши (расмдаги матнлар «Microsoft Word» матн муҳарририда, 12 кегель ўлчамда ёзилиши), матнда расм ва жадваллар кетма-кетлик тартибида рақамланиши, номланиши ва матнда илова келтирилиши зарур.

Мақолага соҳа бўйича УЎК (универсал ўнлик классификация) рақами қўйилади (Классификатор УДК // [Электронный материал]. Режим доступа: <https://teacode.com/online/udc/>).

ЭСЛАТМА

Танловга тақдим этиладиган **илмий-оммабоп** ҳамда **илмий** мақолалар ёш олимлар ва талабаларнинг илмий фаолиятида Учинчи Ренессанс ғоясининг туб мазмун-моҳияти, аҳамиятини тарғиб қилишга оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, тегишли таклиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим.

Танлов иккита номинация бўйича ўтказилади: **биринчи номинация** – бакалариат ва магистратура талаблари; **иккинчи номинация** – докторантлар/тадқиқотчилар ва 40 ёшгача илмий ходимлар.

Белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилган ва қабул қилинган материаллар тўплам шаклида нашр этилиши белгиланган бўлиб, мазкур тўпламга киритилган илмий мақолалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар натижаларини нашр этишга тавсия этилган илмий журналларда нашр этилган мақолаларга тенглаштирилади.

Шу муносабат билан тақдим этилаётган илмий мақолада келтирилган натижаларнинг 60-70% қисми асосий муаллифга тегишли бўлиши мақсадга мувофиқ.

Қабул қилинган илмий материаллар кўчирмачиликка (плагиат) қарши қатъий текширилиши, соҳа бўйича етакчи мутахассислар томонидан экспертизадан ўтказилиши маълум қилинади.

Мақолалари **2021 йил 15 март кунига қадар** Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бошқармаси томонидан (E-mail: nauka@edu.uz; телеграм: +99897 7463721) қабул қилинади.

Белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилмаган ва мазмуни талабга жавоб бермаган материаллар танловга қабул қилинмайди, танловга тақдим этилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Танловга тақдим этилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига диплом ва эсдалик совғалари берилади.

Танлов натижалари ва ғолиблари тўғрисидаги маълумотлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилади.

Танлов иштирокчилари томонидан берилган норозилик аризалари бир кун муддатда шикоятчи иштирокида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан кўриб чиқилади ҳамда хулосалар ёзма тарзда расмийлаштирилади.

Мурожаат учун тел.: (71) 2460187.

Мақоладан олдин титул варағи қўйилади.

НАМУНА

ТИТУЛ ВАРАҒИ

1. **Мақола мавзуси**
2. **Мақола муаллифининг фамилия, исми-шарифи** (мақола якка муаллифликда ёзилади)
3. **Иш ёки ўқиш жойининг номи, манзили** (қисқартма сўзлардан фойдаланиш мумкин эмас)
4. **Талабалар учун курси, ёш тадқиқотчилар учун лавозими, илмий даражаси, илмий унвони** (докторант/тадқиқотчилар учун курси, шифр ва ихтисослик номи)

УЎК

МАҚОЛА МАВЗУСИ

(мавзу ўзбек, рус ва инглиз тилида, 12 та сўздан ошмаслиги белгиланган)

Қисқача мазмуни (аннотация)

(мақоланинг қисқача мазмунини фойдаловчи 50-55 та сўздан ташкил топиши белгиланади).

Таянч сўзлар

(6-8 та сўз)

Аннотация

Ключевые слова

Abstract

Key words

КИРИШ

(Мақоланинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг мақсади ёритилади).

АСОСИЙ ҚИСМ

ХУЛОСАЛАР

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

(Фойдаланилган адабиётлар сони асосий қисми охириги 5-10 йилдаги манбалар бўлиши, шунингдек замонавий хорижий манбалардан фойдаланилиши мақсадга мувофиқ, адабиётлар матнда келтирилиш [1, 277-б.] кетма-кетлигида рақамланган шаклда расмийлаштирилади).